

**Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича
ШАРТНОМА № 65339**

2022 йил “19” апрель

Жиззах шаҳри

Жиззах вилоят хокимлиги ягона буюртмачи хизмати “Жиззах минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУЖ (кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Ш.Анорбоев, бир томондан, ва “Jizzaxyo'loyiha” МЧЖ (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор **Ў.Отабобоев** иккинчи томондан, мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар:

1. Шартнома предмети.

1.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ **Ш.Рашидов тумани "Тараккиет" МФЙ Навруз кучасини** жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш объекти бўйича амалдаги қонунчиликнинг ишларнинг шундай турига қўйладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун яроқли бўлган шаҳарсозлик ҳужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиҳа” деб номланади) ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади

1.2. Хизматлар курсатиш муддати:

Ишни якунлаш: 7 (етти) кун.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати танлов комиссиясининг 2022 йил “14” апрель даги № **65339**-сонли мажлис баённомаси қарорига асосан ҚҚС билан **6 672 000 (олти миллион олти юз етмиш икки минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати очикдир. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорига асосан ҳамда вазиятлар, материаллар нархлари, ишга ҳақ тўлаш шартлари тубдан ўзгарганда ва бошқа харажатлар туфайли ишлар қиймати мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш Буюртмачи томонидан Ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан куйидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 30% олдиндан тўлов;
- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойиҳани қабул қилиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойиҳани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи томонидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, Ижрочи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.

3.1. Объект бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида куйидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топшириқни қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;

3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топшириқга ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Томонлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг Ижрочи тайёр Лойиҳани ёки унинг қисмини Буюртмачига юк хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қилади.

3.3. Буюртмачи Лойиҳани олганидан кейин куйидагиларни амалга оширишга мажбур:

3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида Лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва Ижрочиға рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;

3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат Ижрочиға юборилгандан сўнг иккитомонлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Қўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.

3.3.3. Буюртмачи Лойихани олишдан бош тортса (Лойихани топшириш-кабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни Ижрочига юбормаса, Лойиха Буюртмачига тақдим этилган вақтдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади.

3.3.4. Агар Буюртмачи Лойихани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик Лойихада шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни Лойихани қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддатда ёзма равишда огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Лойихани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойихалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни Ижрочига тақдим қилади.

4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ишлар қийматини Ижрочига тўлаб беради.

4.1.3. Ижрочидан олинган лойихадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсад учун фойдаланиш, лойихани учинчи шахсларга бермаслик ва Ижрочининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошқора қилмаслик.

4.1.4. Зарурат туғилганда лойихани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун Ижрочини жалб этиш.

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки Ижрочига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан томонлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолашгандан сўнг).

4.1.6. Тайёр лойиханинг камчиликлари сабабли учинчи шахс томонидан Буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун Ижрочини жалб қилиш.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари

4.2.1. Лойихани ишлаб чиқиш учун Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойихалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойихалаш ишларини бажариши, белгиланган тартибда муаллифлик назоратини олиб бориш ва ҳар 15 кун муддатда мунтазам равишда Буюртмачига маълумот бериш;

4.2.2. Буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, Буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириш, Буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиш. Буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган Ижрочи келгусида Буюртмачи томонидан даъво қилинганда ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўқач қилмаслиги керак.

4.2.3. Лойихани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда Буюртмачи билан биргаликда иштирок этиш.

4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талаблари ва шахарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайдиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига жавоб берадиган тайёр Лойихани Буюртмачига топшириш.

4.2.5. Лойиха ишлаб чиқилишини учинчи шахсларга бермаслик.

4.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.3.1. Лойихадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, Ижрочидан қуйидагиларни талаб қилиш:

- Ижрочи Лойихадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиши;

- шартномавий қийматни шунга мувофиқ миқдорда камайтириш;

- Ижрочи Лойихадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли Буюртмачининг пайдо бўлган молиявий зарарларини қоплаш;

- Лойихадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, Буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча қўрилган молиявий зарарлар қопланишини Ижрочидан талаб қилиш.

- «Ижрочи» ташкилотнинг айби билан лойиха ҳужжатларига қўшимча иш хажмлари ва харажатлар аниқланган тақдирда «Уздавархитектқурилиш» кумитасининг 24.06.2008 йилги 50-сонли буйруғи билан тасдиқланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди 3-хатбошига асосан Бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб қуйилади.

4.4. Ижрочи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма рухсати билангина лойихалаштиришга топширик ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

5. Томонлар жавобгарлиги.

5.1. Томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

5.2. Лойиха Буюртмачи томонидан қабул қилингандан кейин Ижрочи кафолатли муддат давомида (10 йил) Лойиханинг дастлабки камчиликлари ва Лойихадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, Буюртмачининг зарарларини тўлаб бериши керак.

5.3. Ижрочи Лойихадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аниқланган вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда) куйидаги ҳолларда жавоб бермайди:

- Буюртмачи Ижрочи билан келишиб олмасдан лойихалаш мобайнида Лойихага қўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойихалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса;

5.4. Молия органи томонидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам Буюртмачи лойихалаш ишларини ўз вақтида молиялаштирмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Ижрочи лойихалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва зарарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Томонлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаган шарти билан, биринчи томон иккинчи томонни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилинган ҳолда, шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан томон иккинчи томонга мазкур шартнома бўйича ишлар қийматидан 10 % миқдорида жарима (неустойка) тўлайди.

6. Махфийлик.

6.1. Ҳар бир томоннинг фаолияти ёки томонлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошқора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийдир. Томонлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошқора қилмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари керак.

7. Шартномани ўзгартириш ва тугатиш.

7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-пунктида кўрсатилганидек, шартнома муддати тугаши билан томонларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.

7.2. Томонлар ўртасидаги ёзма келишувига асосан шартнома ўзгартирилиши ёки муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим ёки келишмовчилик баённомаси кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.4. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки тугатилиши мумкин.

7.5. Шартнома кучда бўлишини тугатиш томонларни шартномани бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

8. Низоларни ҳал этиш.

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича томонлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар ҳал этилмаса, ўрнатилган тартибда низолар Жиззах туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

9. Форс-мажор.

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавкулудда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавкулудда вазиятлар сифатида куйидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнгин, сув тошқини, шторм, уруш ва уруш ҳаракатлари, камаллар, қўзғолонлар, саботаж, миллатчилик тусга эга ғалаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъқиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган томонлар назоратидан ташқаридаги бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома вилоят Ғазначилик бошқармасидан электрон тарзда руйхатдан утгандан сунг кучга кирилади ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. битта нусхаси Буюртмачида, битта нусхаси Ижрочида сақланади.

11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

БУЮРТМАЧИ:

“Жиззах минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК

Манзил: Жиззах шаҳри. Маданият маҳалласи. Пахтакор кучаси 10 уй

Ш/х: 304521860084017045129118385

ИНН: 304 897 494, МФО ОКЭД: 71 120

Ўзбекистон Республикаси Молия

Вазирлиги Ғазначилиги

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО 00014 ИНН 201129919



Директор Ш.Анорбоев

ИЖРОЧИ:

“Jizzaxyo'loyiha” МЧЖ

Жиззах шаҳри Маданият маҳалласи

Пахтакор кўчаси 9 уй

Х/р: 2020 8000 1040 5928 9001

АЖ “Асака банк” Жиззах филиали
МФО 00140,

ИНН 203 294 197

ОКЭД: 71 110



Директор Ў. Отабобоев

ХУКУКИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тугрисида”ги Қонунининг 21-моддаси талаблари асосида тузилган. Экспертиза хулосаси шартнома шартларининг мослиги ва унда тарафларнинг жавобгарлиги ҳамда низоларнинг ҳал этилиши тартиби амалдаги қонунчилик талабларига мослигини беради.

Ҳукукий экспертиза натижасига қура қуйидагилар аниқланди:

1. Шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари талабларига мувофиқ тузилган. Тақдим этилаётган пудрат шартномаси шартлари қонунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган ҳар қандай ҳолат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 686-708-моддалари ҳамда “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тугрисида”ги Қонуннинг 10,11-моддалари билан тартибга солинади.

2. Шартнома буйича тарафларнинг уз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тугрисида”ги Қонуннинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

“Жиззах МЙБХ” ДУК

Бош юристконсулти:

Ф. Кулматов